

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

АКБАРОВ ФАРРУХ ФАХРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А 230701 “Банк иши” (фаолият турлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. С.Х. Норқобилов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
I-боб. Тижорат банклари фаолятининг назарий асослари ва хориж тажрибаси.....	
1.1. Тижорат банкларининг фаоляти хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....	
1.2. Тижорат банклари фаолятини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	
II-боб. Ўзбекистон тижорат банклари фаолятининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.....	
2.1. Тижорат банклари фаолятини ривожланиш кўрсаткичлари.....	
2.2. Хусусий банклар фаолятининг замонавий ҳолати.....	
2.3. Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг вужудга келиши.....	
III-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолятини ривожлантириш йўллари	
3.1. Тижорат банклари фаолятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.....	
3.2. Тижорат банклари фаолятини ривожлантириш йўллари.....	
Хулоса.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажариш зарурияти ҳамда республикамиз тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш масаласига тўхталиб, жумладан, шундай деди: “...банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади”¹.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Жумладан, айрим тижорат банкларининг депозит базаси етарли эмас. Яъни, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқоридир. Бундан ташқари, айрим банкларда кредит портфелининг сифатини ёмонлаштириш кузатилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. - Б. 21.

иқтисодчи-олимлар - А.Симановский, А.Викулин, В.Усоскин, Д.Полфреман, Г.Тосунян, Ф.Форд, Г.Белоглазова, Ж.Синки, О.Лаврушин, Ж.Матук, Д.Макнотон, К.Барлтроп, Г.Панова, Э.Доланлар²нинг илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонлик олимлардан - А.Вахабов, Ш.Абдуллаева, О.Иминов, Н.Жумаев, Т.Қоралиев, С.Норқобилов, У.Ортиқов, Д.Саидовларнинг илмий изланишларида тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган³.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

- тижорат банклари фаолиятининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;
- тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;
- Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш;
- республикамиз тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

² Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991. – 446 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.; Финансы и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 575 с.; Банковское дело. Учебник. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 672 с.; Рид Э., Коттер Р. Коммерческие банки. Пер с англ. – М.: Космополис, 1991. – 478 с. 47.; Синки Дж. Управление финансами в коммерческом банке. М. Инфра, 1995. - 820 с.; Тосунян Г. А., Викулин А.Ю. Реструктуризация кредитных организаций. – М.: Дело, 2002. - С.13.; Рыбин Е.В. Финансовый кризис в России как путь реструктуризации банковского сектора//Банковское дело. – Москва, 2008. - №12. - С. 40.

³ Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. //Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк – молия тизимининг ўрни.мавзусидаги Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент, Молия, 2009. – Б. 22.; Абдуллаев Д.С. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқ. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. – Тошкент: БМА, 2008. – 133 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. - 304б.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республикада фаолият юритаётган бир қатор акциядорлик – тижорат ва хусусий банклар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотни бажариш жараёнида иқтисодий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг назарий аҳамияти шундаки, улардан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар” ва “Банк иши” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– тижорат банклари активларининг ликвидлиги ва даромадлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш таклифи ишлаб чиқилди;

– тижорат банкларининг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш йўллари таклиф қилинди;

– банкларнинг капитал базасининг барқарорлигини ошириш йўллари асослаб берилди;

– хусусий тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида тижорат банклари фаолиятининг назарий асослари ва хориж тажрибаси тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Диссертациянинг учинчи бобида республикамиз тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида шакллантирилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

I-боб. Тижорат банклари фаолиятининг назарий асослари ва хориж тажрибаси

1.1. Тижорат банкларининг фаолияти хусусидаги илмий-назарий қарашлар

Тижорат банкларининг фаолияти хусусида иқтисодчи-олимлар томонидан хилма-хил фикрлар билдирилган, илмий-назарий хулосалар шакллантирилган.

О.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган “Банк иши” дарслигида мамлакат банк тизимини қайта таркиблашда асосий эътибор хусусий банклар фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилиши керак, деган фикр билдирилган. Шу сабабли, О.Лаврушин хусусий банклар устав капиталининг минимал миқдорига нисбатан талаблар акциядорлик-тижорат банклариникига караганда паст бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, Россияда ижро интизоми ёмон бўлганлиги сабабли 1994 йилнинг дастлабки 5 ойи мобайнида 154 та хусусий банк ёпилди⁴.

Шунингдек, О.И.Лаврушин тижорат банклари активларининг таркиби ва динамикасини ҳам тадқиқ қилган. О.Лаврушиннинг таҳлиллари натижалари кўрсатдики, банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2 фоизни, Германияда-15,5 %, Италияда-23,8 %, Буюк Британияда-7,8 %, Испанияда-23,8 %, АҚШда-2,2 %, Бельгияда-6,4 %, Японияда-10,2 фоизни ташкил қилади⁵. Демак, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юқори салмоғи Испания ва Италияда кузатилади. Нисбатан жуда паст салмоқ Бельгия, Буюк Британия тижорат банкларига хосдир.

Хукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қуйилмаларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи Испания тижорат банкларида 10,2 фоизни, Франция тижорат банкларида 9,4 фоизни, Италия тижорат банкларида 5,3 фоизни, АҚШ тижорат банкларида эса, 18 фоизни ташкил

⁴ Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. – М.: КноРус, 2008. – С. 73-74.

⁵ Лаврушин О.И. Банковское дело.-М.: Финансы и статистика, 2002. - С. 94.

этади. Векселлар билан боғлиқ операцияларнинг юқори салмоғи Испания (12,8%), Италия (5,8%) Бельгия (4,7%), тижорат банкларида кузатилади. Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги юқори салмоғи Германия тижорат банкларида кузатилади (4,0%)⁶.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари, О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, қуйидагилардан иборатдир:

а) Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлилик хусусиятига эга. Чунки уларга нисбатан қимматли қоғозлар бозорида доимий характерга эга бўлган барқарор талаб мавжуд. Бу эса, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш имконини беради.

б) Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари қатъий белгиланган фоизда банкка даромад келтиради. Демак, улар банкнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш имконини беради, бу эса, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартидир.

в) Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари йирик миқдорда эмиссия қилинган. Масалан, АҚШ, Германия давлатларида қимматли қоғозларнинг эмитентлари таркибида ҳукумат, эмиссия миқдorigа кўра, биринчи ўринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган тушум давлат бюджети харажатларини молиялаштиришнинг ноинфляцион усули ҳисобланади.

К.Дзобек ва В.Воссеннинг «Реформирование банковского сектора» («Трансформация финансовых систем в странах Балтики, России ва других стран бывшего Советского союза», МВФ, 1998) номли ишида банкни тезкор қайта таркиблаш чора-тадбирлари сифатида янги кредитларнинг берилишига чегараларни ўрнатиш, банкларни берилган ссудаларнинг қайтарилишига нисбатан анча агрессив сиёсат юритишга мажбур этиш,

⁶ Zantov M. Kredit Policy. - RBTC, Tashkent, 1998. - P. 18.

бериладиган ссудалар учун тегишли таъминотни яратиш ва банкнинг ички операцияларини тартибга солишни жорий этиш орқали хусусий тижорат банклари операцияларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланади. Айрим ҳолатларда тезкор қайта таркиблаш банкнинг ишлаб турган активларини ишламаётган активларга қўшиш ёки уларни бир биридан ажратиш шаклида амалга оширилиши мумкин. К.Дзобек ва В.Воссеннинг фикрига кўра, молиявий таркибий ўзгартиришга банкни рекапитализациялашни амалга ошириш мисол бўлади. Банкни таркибий ўзгартиришни амалга ошириш сиёсати уларнинг тасдиқлашча қуйидаги аспектларга асосланади: (1) банк секторидаги муаммоларни диагностика қилишни тугаллаш; (2) қайта таркиблашстратегиясини ишлаб чиқиш; (3) институционал тузулмаларни ташкил этиш.

О.И.Лаврушин томонидан муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлар бўйича эътироф этилган хусусиятларга қўшилган ҳолда, яна бир қатор хусусиятларнинг мавжудлигини қайд этмоқчимиз. Жумладан:

– нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қискартириш имконини беради;

– тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар учун гаров таъминоти вазифасини бажариши мумкин, бунинг натижасида кредит қуйилмалари ҳажми ошади, кредит rischi маълум даражада камаяди.

Проф. В.М.Усоскиннинг фикрига кўра, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг ликвидлигига жиддий зиён етказди. Шу сабабли, Гласс-Стиголл қонунига асосан 1933 йилда трансакцион депозитларга фоиз тўлашнинг таъқиқланиши оқилона тадбир ҳисобланади. Лекин муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига тижорат банклари томонидан тўланадиган фоиз ставкаларининг юқори чегарасининг белгиланиши тижорат банкларининг депозит базасига салбий таъсир қилади⁷.

⁷ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. - С. 106-109.

Фикримизча, В.М.Усоскиннинг трансакцион депозитлардан тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусидаги илмий хулосаси ҳозирги даврда ҳам ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, республикамиз тижорат банкларида трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Бунинг натижасида тижорат банкларининг фаолиятидаги ликвидлик ва кредит rischi кучаймоқда. Чунки трансакцион депозит нобарқарор пассив ҳисобланади ва шу сабабли исталган вақтда ҳисобрақам эгаси томонидан талаб қилиб олинishi мумкин. Кредит эса, муддатли бўлиб, уни муддатидан олдин қайтариб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашдан бўлган манфаатдорлигига салбий таъсир қилади.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган варианты бўлган Базель-II да тижорат банклари капитали таркибини шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд. Бу эса, мазкур талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро Базель стандарти бўйича тижорат банкларининг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим. Шу сабабли, Базель кўмитасининг талабига кўра асосий капиталнинг таркибига қуйидаги манбаларгина киритилиши лозим:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- банкнинг эмиссион даромади;
- захира капитали;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;

– банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банкларнинг асосий капиталини етарли даражада шакллантиришда муаммоларнинг мавжудлиги (молия бозорларининг ривожланмаганлиги натижасида тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг фонд биржасида котировка қилинмаслиги, банк активлари даромадлилик даражасининг пастлиги туфайли соф фойда ва тақсимланмаган фойда миқдорининг камлиги, тижорат банклари акцияларига тўланаётган дивидендлар даражасининг пастлиги ва ҳ.к.) тижорат банклари капиталини шакллантиришда беқарор молиялаштириш манбаларидан ҳам фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда. Хусусан, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида девальвация захираси тижорат банкларининг асосий капитални таркибига киритилмоқда. Ҳолбуки, девальвация захираси беқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Ушбу захира миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрсизланиши натижасида тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган хорижий валютадаги маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Халқаро Базель стандартида тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8% қилиб белгиланган. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, ушбу минимал талаб 15 % даражасида бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 10% қилиб белгиланган. Халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари капиталининг етарлилигининг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим. Кўриниб турибдики, тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талабни ўрнатиш борасида ҳам турли хил ёндошишлар мавжуд.

Проф. В.Усоскин амалдаги 8 фоизли капиталнинг адекватлилик коэффициентини мўътадил кўрсаткич деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, янги коэффициентни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас⁸.

Бизнинг фикримизча, янги 12 фоизли коэффициентни ривожланаётган мамлакатларнинг банк назорати тизимида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг боиси шундаки, ушбу мамлакатлар тижорат банкларининг балансида юқори ликвидли активларнинг етишмаслиги муаммоси яққол кўзга ташланади.

Проф. А.Симановскийнинг фикрига кўра, Базел қўмитаси томонидан таклиф қилинган кредит рискинни баҳолашнинг янги тартибини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки кредит рискиннинг табиий даражаси 100 фоизни ташкил қилади⁹.

Базел қўмитасининг кредит рискинни баҳолашнинг янги тартибига кўра, кредит рискиннинг максимал даражаси 150 фоизни ташкил қилади. А.Симановскийнинг фикрига кўра, кредитнинг юқори даражада рискка тортилиши капиталнинг адекватлилик даражасини сунъий даражада ошириш заруриятини юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатнинг ва мижознинг кредит рейтингига боғлиқ равишда кредит рискинни 150 фоизгача даражада баҳолаш кредит рейтинги нисбатан паст бўлган мамлакатларнинг ҳатто тўловга қобиллиги юқори бўлган мижозларининг кредит олиш имкониятини кескин пасайтиради.

Уэрта де Сото ўзининг илмий изланишларида банкларнинг кредит эмиссиясини тартибга солиш масаласини чуқур тадқиқ қилган. Унинг “Пуллар, банк кредити ва иқтисодий цикллар” номли монографиясида банкларнинг кредит эмиссиясини пул муомаласига ва иқтисодиётга таъсири очиб берилган ва уни тартибга солиш бўйича бир қатор илмий

⁸ Усоскин В. Современный коммерческий банк: управление и операции.-Москва: Вазар-Ферро, 1994.-с. 93

⁹ Симановский А. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективў их реализации // Деньги и кредит, 2000, №6.-с. 25.

таклифлар ва амалий тавсиялар берилган. Жумладан, Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг инвестицион кредитлари мижозларнинг ихтиёрий жамғармалари асосида берилсагина кредит эмиссияси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Ихтиёрий жамғармаларнинг ўсган қисми ишлаб чиқаришга кредит орқали инвестиция қилинади. Ушбу кредитлар реал ихтиёрий жамғармалар билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш воситаларига ва капитал неъматларга бўлган пуллик талабни ошишига олиб келади¹⁰.

Проф. А.Вахабов тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит қуйилмалари ҳажмини, шу жумладан, инвестицион кредитлар бериш ҳажмини ошириш таклифини асослаб берган¹¹.

Т.Бобакуловнинг фикрига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади¹².

Д.Саидов тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан¹³:

1. Кредит сиёсатида кредитларни жойлаштириш жараёнида тармоқ лимитларини ўрнатиш.

¹⁰ Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. - С. 244-245.

¹¹ Вахабов А.В. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини оширишда капиталлаштиришнинг ўрни//“Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. - Б. 34-35.

¹² Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 13.

¹³ Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. И. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс.– Тошкент: БМА, 2008.– 133 б.

2. Республикамиз тижорат банкларининг, шу жумладан, АТ “Агробанк” ва “Қишлоқ қурилиш банк”ларда кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши юз берса, у ҳолда бу банкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит рискининг кучайганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимларининг корхоналар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш борасидаги билими ва тажрибаларини ошириш чораларини кўриш лозим.

Банк ходимларининг молиявий таҳлил соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини тўғри баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки молиявий кўрсаткичларни ҳам, мижозларнинг пул оқимини ҳам тўғри ҳисоблаш молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига боғлиқдир.

Ш.Абдуллаева тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни бошқаришни такомиллаштириш йўли билан кредит портфелининг сифатини ошириш мумкин, деб ҳисоблайди¹⁴.

О.Абдусаломова республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлигини аниқлаган:

– банкларда ундириш муддати келган факторинг қолдиқлари ўз навбатида муддати ўтган факторинг операциялари ҳисобракамларига акс эттирилмаган ва ўз вақтида таснифланмаган. Факторинг амалиётларини амалга оширишда мижоздан олди-сотди шартномалари, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича тўлов талабномалари талаб қилиб олинмаганлиги;

¹⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.– Т.: Молия, 2002 й.– 304 б.

– кредит шартномаларида кредит қанча муддатга ва қайси мақсадга берилганлиги кўрсатилмаган¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги улар ресурс базасининг барқарорлигига боғлиқ; иккинчидан, активларни жойлаштиришда уларнинг даромадлилик ва ликвидлилик даражалари ўртасидаги мутаносиблик таъминланган бўлиши керак; учинчидан, банкларнинг капиталлашув даражасининг етарлилиги улар фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

1.2. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб, мижозлардан жалб этилган муддатли ва жамғарма депозитлари ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли ҳисобланади; иккинчидан, тижорат банклари, фаолиятининг моҳиятига кўра, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш ва уларни кредитлар, инвестициялар шаклида жойлаштириш билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари ҳисобланади; учинчидан, банклараро кредитлар нисбатан қиммат молиявий ресурс ҳисобланади, шу сабабли, ундан актив операцияларни молиялаштиришда фойдаланиш тижорат банклари фоизли харажатлари миқдорининг ошишига олиб келади; тўртинчидан, тижорат банклари трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб фойдаланишга ҳақли эмас.

¹⁵ Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 17.

Муддатли ва жамғарма депозитлари тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади. Одатда, уларнинг асосий қисми муддати тугагунга қадар миждоз томонидан талаб қилиб олинмайди. Агар миждоз муддатли ёки жамғарма депозитни муддатидан олдин талаб қилиб оладиган бўлса, унга тўланадиган фоиз миқдори кескин камаяди. Яъни, миждоз депозитдан оладиган даромадининг сезиларли қисмидан маҳрум бўлади. Бу эса, миждозни муддатли ёки жамғарма депозитни муддатидан олдин талаб қилиб олмасликка ундайди. Муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг даражаси ва барқарорлиги уларни жалб қилишда муҳим ўрин тугади. Одатда, муддатли ва жамғарма депозитларининг фоиз ставкаларини белгилашда улар ҳукумат қимматли қоғозларининг фоиз ставкалари билан таққосланади.

1.1-жадвал

АҚШ тижорат банклари ресурсларининг таркиби ва динамикаси¹⁶, %

	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Бир йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар	40,1	38,8	45,2	48,3	45,1	5,1
Бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар	32,6	25,3	27,2	24,7	32,2	- 0,4
Қимматли қоғозларни сотишдан олинган ресурслар	9,8	12,4	8,8	6,7	8,2	- 1,6
Банклараро кредитлар	0,4	0,7	0,2	0,3	0,2	- 0,2
Умумий капитал	14,0	13,8	12,4	13,7	14,2	0,3
Бошқа ресурслар	3,1	4,8	6,1	6,3	0,1	- 3,0
Ресурслар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

1.1–жадвал маълумотларидан кўринадики, АҚШ тижорат банклари ресурсларининг умумий ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари

¹⁶ «Federal Reserve Bulletin» нинг 2005, 206, 2007, 2008, 2009 якуни бўйича чоп этилган маълумотлари асосида ҳисобланди.

юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, тижорат банкларининг молиявий воситачилик вазифасини бажарувчи кредит муассасаси эканлиги билан изоҳланади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадик, АҚШ тижорат банклари ресурсларининг ҳажмида қисқа муддатли депозитларнинг салмоғи ўрта ва узоқ муддатли депозитларнинг салмоғига нисбатан юқоридир. Бу эса, универсал тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиш натижасида олинган пул маблағлари ресурсларнинг умумий ҳажмида сезиларли салмоқни эгаллайди. Ушбу ресурслар асосан банкларнинг узоқ муддатли операцияларини молиялаштиришда қўлланилади.

Келтирилган маълумотлардан банклараро кредитларнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғини паст эканлиги кўриниб турибди. Бунинг сабаби шундаки, банклараро кредитлар баҳоси юқори бўлган ресурс бўлганлиги сабабли улардан фойдаланиш тижорат банкларининг фоизли харажатлари ҳажмининг ошишига олиб келади. Бунинг устига, депозит базаси етарли бўлган тижорат банклари банклараро кредитлардан ресурс сифатида фойдаланишга эҳтиёж сезмайди.

1.2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Япония тижорат банклари ресурсларининг умумий ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, тижорат банкларининг молиявий воситачилик вазифасини бажарувчи кредит муассасаси эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Япония тижорат банклари ресурсларининг ҳажмида қисқа муддатли депозитларнинг салмоғи ўрта ва узоқ муддатли депозитларнинг салмоғига нисбатан юқоридир. Бу эса, универсал тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

1.2-жадвал

Япония тижорат банклари ресурсларининг таркиби ва динамикаси¹⁷, %

	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Бир йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар	37,7	36,1	36,1	38,1	35,4	- 2,3
Бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар	30,3	32,5	32,8	32,2	31,1	- 0,8
Қимматли қоғозларни сотишдан олинган ресурслар	13,2	14,1	13,7	11,4	7,3	- 5,9
Банклараро кредитлар	1,7	0,9	0,6	5,7	12,6	- 10,9
Умумий капитал	9,6	9,4	9,9	11,4	12,0	2,4
Бошқа ресурслар	7,5	6,9	6,6	1,2	3,6	- 3,9
Ресурслар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

1.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Япония тижорат банклари ресурсларининг таркибида қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар ва умумий капитал юқори салмоқни эгаллайди. Аммо қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағларнинг жами ресурслардаги салмоғи 2010, 2011 йилларда пасайди.

Шунингдек, жадвал маълумотларидан кўринадики, 2011 йилда Япония тижорат банклари умумий капиталининг жами ресурслардаги салмоғи олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш сиёсатининг олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тижорат банкларининг узок муддатли ресурсларини етишмаслиги муаммоси мавжудлигини кузатиш

¹⁷ «International Financial Statistics» бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

мумкин. Бу эса, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасининг мустаҳкамлаш борасида ечимини топмаган муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Ушбу муаммонинг мавжудлиги мазкур мамлакатлар тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғини юқори эканлигида яққол намоён бўлади. Трансакцион депозитлар эса, муддатсиз ва беқарор пассивлар ҳисобланади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги тижорат банкларининг қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилиш имкониятига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, инфляция даражасининг юқори ва беқарор эканлиги, миллий валюта алмашув курсининг беқарорлиги қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар реал қийматининг пасайиш хавфини юзага келтиради.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тижорат банклари томонидан трансакцион депозитлардан ресурс сифатида тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномасини тузмасдан фойдаланилиши уларнинг депозит базаси мустаҳкамлигига салбий таъсир қилади, ликвидлилик рискининг кучайишига хизмат қилади. Бунинг сабаби шундаки, трансакцион депозит беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пассив ҳисобланади. У исталган вақтда миқдор томонидан талаб қилиб олиниши мумкин. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида трансакцион депозитлар тижорат банки учун ресурс манбаи ҳисобланмайди ва уларга фоиз тўланмайди.

Ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг қатор давлатларида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари тижорат банклари депозит базасининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Олиб борилган қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, жисмоний шахсларнинг муддатли

омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан арзон ва узоқ муддатли ресурс манбаи ҳисобланади¹⁸.

Жаҳон молия инқирози натижасида дунёнинг қатор мамлакатларида кўплаб тижорат банкларининг банкрот бўлганлиги ёки ликвидлилик рискига дучор бўлиб танг аҳволга тушиб қолганлиги, йирик миқдорларда зарар кўрганлиги тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш амалиётида жиддий камчиликлар ва муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. 2007 йилнинг ўзида дунё бўйича тижорат банклари 1 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги муаммоли кредитларни балансидан чиқардилар. Бунинг натижасида тижорат банклари йирик миқдорда зарар кўришди. Биргина АҚШ тижорат банклари 678 млрд. АҚШ доллари, Европа Иттифоқи тижорат банклари эса, 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўришди. 2008 йил январь-август ойларида АҚШда 12 та банк банкрот бўлди¹⁹.

Тижорат банклари фаолиятининг зарар билан яқунланганлиги улар қимматли қоғозларининг, шу жумладан, акцияларининг бозор баҳоларининг пасайишига олиб келди. Натижада, банкларнинг капиталлашув даражасининг сезиларли даражада пасайиши юз берди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасининг пасайишига олиб келди. Чунки тижорат банкларининг тўловга қобиллик даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири улар капиталининг етарлилик коэффиценти ҳисобланади².

Ҳолбуки, АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банк иши юқори даражада ривожланган марказлар ҳисобланади. Айнан дунёга машҳур Халқаро Базель қўмитасининг талаблари ҳам дастлаб Ғарбий Европа мамлакатларининг банк амалиётига 1993 йилда қўлланилган ва кейинчалик 150 дан ортиқ мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш тизимининг услубий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро банк

¹⁸ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – 464 с.; Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 624 с.

¹⁹ www.federal.reserve.gov. Gov. сайти маълумотлари.

амалиётида энг мукаммал ҳисобланган Базель стандарти талабларини тўлиқ бажарган тижорат банклари ҳам жаҳон молия инқирози натижасида банкрот ёқасига келиб қолишди. Бу эса, ўз навбатида, банк назорати бўйича халқаро Базель стандарти талабларини қайта кўриб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

1997 йилдаги глобал инқироз бошлангунга қадар ўн йил мобайнида Таиландда иқтисодий ўсиш суръати юқори эди, у жаҳонда энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланарди. Реал секторга инвестицияларнинг ўсиши асосан миллий валютанинг АҚШ доллари ва япон иенасига боғланиши билан шартланди¹. Таиланднинг иқтисодий ўсиши даврида молиявий институтлар нисбатан арзон инвестиция фондларидан фойдаланган ҳолда катта даромад олди. Иқтисодий экспансиянинг давом этиши туфайли кредитлар бериш мезонлари анча соддалашди, чунки банклар ва молиявий институтлар юқори riskли инвестиция имкониятлари учун рақобат қиларди. Шу билан бир вақтнинг ўзида тўлов балансининг жорий операциялар бўйича тақчилликнинг ўсиши кузатилди, у 1995 йилда ўзининг энг юқори нуқтасига етди, яъни ЯИМнинг 8,2 фоизини ташкил қилди, ЯИМга нисбатан чет эл қарзининг коэффиценти эса, 1996 йилда 50,2 фоизга тенг бўлди²⁰. Бундан ташқари, кўчмас мулкка қўйилиб, фойда келтирмаётган инвестициялар ва спекулятив қимматли қоғозлар ҳажмининг ошиши ҳам юқори харажатларга, иш ҳақи ва узок муддатли товарлар нархининг ўсишига олиб келди.

1998 йил 14 августда Таиланд ҳукумати молиявий қайта таркиблаш бўйича комплекс режа қабул қилинганлигини эълон қилди. Чоратадбирлар мажмуи «**соябон**» схемаси кўринишида тақдим этилган бўлиб, унга биринчи галда банк секторини тиклаш бўйича алоҳида тадбирлар

¹ 13 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Тайван бати валюта саватига боғланди ва давлат томонидан суъий равишда ушлаб турилди. Валюталар ичида АҚШ доллари етакчи мавқени эгаллади – 80 фоиз, иккинчи ўрин япон иенасига тегишли бўлди – 15 фоиз ва бошқа валюталар, шу жумлаан немис маркаси 5 фоизни ташкил қилди.

²⁰ <http://bank-rus.com>. сайти маълумотлари.

киритилган эди. Бундай қоида нафақат кичик ва заиф банкларнинг бундан кейин ҳам фаолият кўрсатишда давом эта олиш-олмаслиги хақида қайғуриш туфайли, балки муаммо умуман барча ишлаб турган банкларнинг фаолият кўрсатишда давом эта олишидан иборат бўлганлиги туфайли қабул қилинди. Банк секторини тиклаш Таиланд давлати учун мамлакатда юзага келган иқтисодий тангликнинг ҳал этилиши билан баробар эди.

1998 йил мартда Таиланд Марказий банки мамлакат молиявий институтларни мустаҳкамлаш мақсадида кредитларни таъминлаш бўйича янги талабларни, уларнинг таснифини ва ҳисоботларнинг янги стандартларини жорий этди. 1998 йилнинг июлдан бошлаб барча кредит ҳисоб рақамлари бешта тоифа бўйича таснифланиши лозим эди: а) қоникарли, фоизлар ҳисоблаш муддати кўпи билан бир ойга чўзилади ва у бўйича йўқотишлар кўрилмайди; б) махсус шарҳга эга фоизлар - ҳисоблаш муддатини чўзиш кўпи билан уч ойни ташкил қилади; в) субстандарт - фоизларни ҳисоблаш муддати 6 ойгача; г) шубҳали - фоизларни ҳисоблаш муддати 1 йилгача; д) йўқотилган.

Ссудаларнинг ҳар бир тури таснифга қараб таъминотнинг маълум бир фоизини талаб қиларди. «Қоникарли» кредитлар таъминотнинг 1 фоизини; «махсус шарҳли» кредитлар таъминотнинг 2 фоизини; «субстандарт» кредитлар таъминотнинг 20 фоизини талаб қиларди; «шубҳали» кредитлар таъминотнинг 50 фоизи миқдорида қопланиши лозим эди; «йўқотилган» кредитлар тўлиқ таъминотни талаб қиларди ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим эди. Гаров таъминотига келсак, у ссудаларни таснифлашда ҳеч қанақа рол ўйнамасди. Бироқ, у таъминотнинг талаб этиладиган суммасини аниқлашда ҳисобга олинарди.

Ҳукумат мажбуриятларни қайта таркиблаш ва Молиявий Институтларни Ривожлантириш Фонди (МИРФ) нинг зарарларини қоплаш учун облигациялар чиқариш орқали 500 млрд. батгача бериши лозим эди.

Фонд қарзларининг умумий суммаси 1998 йил март ойининг охирига келиб 851,8 млрд. батни ташкил қилди²¹.

1998 йил декабрда ўрта ва кичик банклар, омонатларнинг олиб қўйилиши ва уларнинг йирик молиявий ташкилотларга ёки хорижий банкларга ўтиб кетиши оқибатида ликвидлиликни ушлаб туриш бўйича катта қийинчиликларни бошдан кечириб, Молиявий Институтларни Ривожлантириш Фондига ва Тайланд Марказий банкига уларни қўллаб-қувватлашни сўраб мурожаат этди. Ўрта ва кичик банкларнинг портфелларини тозалаш кўп ҳолларда ҳисобланган зарарларни ҳисобдан чиқариш ва уларнинг Марказий банк назорати остига ўтиши орқали амалга оширилди. Зарарларнинг ҳисобдан чиқарилишини учта банк мисолида кўриб чиқамиз, булар: Банкок Метрополитен Банк (БМБ), Сиэм Сити Банк (ССБ), Фрест Банкок Сити Банк (ФБСБ), уларда Молиявий Институтларни Ривожлантириш Фондининг улуши ўртача 95 фоиздан ортиқ эди.

1998 йил 23 январда Таиланд Марказий банки Бангкок Метрополитен Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашганлиги туфайли уни ўз назорати остига олди. Марказий банк 11 млрд. бат миқдоридаги ёмон қарзларни сармоя ҳисобидан ҳисобдан чиқариш мажбуриятини юкледи. Банкнинг кредит портфелини тиклаш бўйича 25 млрд. бат бериб, унинг ўрнига МИРФ банк улушининг 99,9 фоизини сотиб олди. Қайта сармоялашни ўтказиш натижасида рискни ҳисобга олган ҳолда ўлчанган банк капитали 10 фоизни ташкил қилди.

1998 йил 6 февралда назорат органлари худди ушбу чораларни Сиэм Сити Банк ва Фрест Банкок Сити Банкка нисбатан ҳам қўлади ва бунинг ўрнига банкдаги бошқарувни ўзгартиришни ҳамда банк капитали ҳисобидан чиқаришни талаб қилди. Сиэм Сити Банк ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган сармоёда 5,5 млрд. батга эга эди. Бир акциянинг қиймати бир батга тенг эди. МИРФ банк сармоёсига 20 млрд. батни киритиб, улушнинг

²¹ www.bfm.ru сайти маълумотлари.

97 фоизини сотиб олди. Ушбу операцияни ўтказиш натижасида банк сармояси 20,6 млрд. батгача етди²².

Умуман олганда, банк секторини тиклаш бўйича давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар молиявий секторни мустаҳкамлаш, ссудалар бўйича зарарларни ҳисобдан чиқариш йўли билан тижорат банкларини таркибий ўзгартириш, банкларни қайта сармоялашни амалга ошириш, молиявий компанияларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш, молиявий компаниялар ва хусусий тижорат банклари устидан назоратни қатъийлаштириш, банкларни ички бошқаришни амалга ошириш бўйича янги талабларни жорий этиш, банкларда корпоратив банк бошқарувини жорий этиш, корпоратив секторни таркибий ўзгартириш ва бошқа масалаларни қамраб олди.

1960 йилдан бошлаб илгари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Жанубий Корея Республикасининг иқтисодиёти ривожланишнинг 5 йиллик режаларини жорий этиш натижасида юксала бошлади. Унинг асосий ташаббускори сифатида давлат иштирок этди. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш Корея молия секторининг қайта ташкил этилиши билан кузатилди, бу ислохотларни молиялашнинг асосий манбаси бўлди. Банк тизимининг асосий роли давлат дастурларига молиявий кўмак кўрсатишдан иборат бўлди. Айтиш мумкинки, 1962 йилдан 1998 йилгача давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар Кореяни Жануби-Шарқий Осиёнинг энг жадал ривожланаётган мамлакатларидан бирига айлантирди⁵. Иқтисодиётни ташкил қилишнинг Корея моделининг ўзига хос хусусияти қуйидаги учта омилга таянди: а) давлат; б) давлат томонидан назорат қилинадиган банк тизими; в) ўта йирик конгломератлар

²² www.bfm.ru сайти маълумотлари.

⁵ 1996 йилда Корея Республикаси иқтисодиёти жадал ривожланаётган 11 мамлакат сафидан жой олди. Иқтисодиёт ривожланишининг кўрсаткичлари бўйича Корея Осиё мамлакатлари ичида Япония ва Хитойдан сўнг 3-ўринни эгаллади. 1997 йилда Ж.Корея Иқтисодий Шамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти (ОЭСР)га тўла ҳуқуқли аъзо бўлди.

ёки, бошқача сўз билан айтганда, chaebolis⁶ фаолият кўрсатиши, уларни шакллантириш ва молиялаш махсус ишлаб чиқилиб, қабул қилинган давлат режаси бўйича амалга оширилди. Компания томонидан тақдим этилган лойиҳага давлат лойиҳа умумий қийматининг 80 фоизи миқдоридан ссуда ажратди, унинг қолган 20 фоизи эса, грант буютмачисининг ресурслари ҳисобидан қопланди. Агар дастлабки лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, у ҳолда компания бошқа грантни сўраши ҳам мумкин эди. Ана шундай стратегияни қўллаш натижасида кўпчилик компаниялар етарли миқдорда бошланғич сармоёга эга бўлмасада, йирик корпорацияларга айланишди. Ривожланиш даражасига қараб чаэбол компаниялар ўзаро қарз кафолатлари билан таъминланадиган қарз олиш миқдорини кўпайтиришарди⁷. Чаэболларнинг вужудга келиши ва ривожланишида, юқорида таъкидланганидек, асосий ва ягона молиявий манбалар сифатида иштирок этган банклар етакчи рол ўйнади. Ушбу ҳолат давлатни фаолият кўрсатиб турган банклар устидан назорат ўрнатишга ундади.

Хулоса қилиб айтганда:

– тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари депозит базасининг етарлилиги таъминланган бўлиб, актив операцияларни барқарор тарзда ривожлантириш имконияти мавжуд;

– тараққий этган мамлакатларда қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдан олинган маблағлар банкларнинг ресурс базасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигига жиддий зиён етказди;

⁶ Корея Монополияга қарши тартибга солиш тўғрисидаги Қонун ва Адолатли савдо тўғрисидаги Қонун чаэболларни умумий активлари 30 та етакчи компанияга тегишли бўлган компанияларнинг исталган гуруҳи сифатида белгилаб берди.

⁷ Корея Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 1997 йилда Жанубий Кореяда тахминан 170 та йирик компания 500 фоиздан ортиқ сармоёга нисбатан қарз коэффициентига эга эди.

– ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

II-боб. Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.

2.1. Тижорат банклари фаолиятини ривожланиш кўрсаткичлари

Тижорат банклари фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, улар капиталининг етарлилиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаби бўйича тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги камида 10%, асосий капиталнинг етарлилиги эса, камида 5% бўлиши керак.

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталининг таркиби²³

(фоизда)

Регулятив капитал таркиби	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2008	2009	2010	2011	2012	
Устав капитали	13,5	17,6	24,9	28,1	34,7	21,2
Захира капитали	75,8	70,0	61,5	57,3	51,1	- 24,7
Жорий йил фойдаси	5,1	4,8	8,2	7,5	8,9	3,8
Тақсимланмаган фойда	5,5	7,2	5,3	6,1	5,2	- 0,3
Капиталнинг бошқа элементлари	0,1	0,4	0,1	1,0	0,1	-
Регулятив капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008-2012 йиллар мобайнида республикаимиз тижорат банклари регулятив капиталининг таркибида устав капиталининг салмоғи юқори суръатларда ўсди. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Биргина 2009 йилнинг ўзида республикаимизнинг йирик, тизимли тижорат банкларининг устав капиталига 500 млрд. сўмдан ортиқ

²³ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

миқдордаги сумма давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан йўналтирилди²⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши республикаимиз банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам тижорат банклари учун сўм эквивалентида 5 млн.евро миқдорида, хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида белгиланди.

Ушбу қарорда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳозирга қадар самарали инвестиция марказларига айланмаганлиги, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашда ўз капитали билан суист қатнашаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Республикаимиз тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишнинг муҳим меъёрий-ҳуқуқий асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил июл ойидаги ПҚ-670-сонли “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳисобланади.²⁵ Мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг устав капитали миқдорини ошириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб

²⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 35.

²⁵ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. – Тошкент, 2007 й. - №27-28, 284-модда.

масала эканлиги эътироф этилди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шуниси характерлики, мамлакатимиз Президентининг ушбу Қарорида республикаимиз тижорат банкларининг устав капитали миқдорини кўпайтиришда давлат ва Марказий банкнинг иштирокининг зарурлиги ўзининг қонуний ифодасини топди. Хусусан, Молия вазирлиги томонидан 2006 йил якунлари бўйича давлат бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдасининг бир қисмини қуйидаги банкларнинг устав капиталига йўналтирди:

– “Микрокредитбанк”ка - 42 миллиард сўм, шу жумладан, 32 миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида кредит линияси очиш учун;

– “Агробанк”ка - 25 миллиард сўм ҳажмида, шу жумладан, 15 миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм мева-сабзавот ва чорвачилик махсулотларини тўлиқ қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кредит линиясини очиш учун;

– “Ипотекабанк”ка - 25 миллиард сўм, шу жумладан, 15 миллиард сўм низом жамғармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳажмини ошириш мақсадида кредит линияси очиш учун.

Бундан ташқари, тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан кейин, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акционерлик капиталини кўпайтиришга йўналтириш тавсия этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 670-сонли ушбу Қарорига асосан тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи очик жойлаштиришни муомалага бўш янги чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга ошириш, тижорат банклари акциялари мажбурий тарзда фонд биржаси листингига киритиш ва биржа котировкаларини мунтазам равишда матбуотда эълон қилиш тартиби жорий этилди.

2008-2012 йилларда захира капиталининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди ва ушбу тенденция тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, республикамиз тижорат банклари захира капиталининг асосий қисми девальвация захирасидан иборат. Ўз навбатида, девальвация захираси тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг беқарор манбаи ҳисобланади.

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг ўсиш суръатларига эга бўлганлиги кузатилди. Ушбу ҳолат фойдани капиталлаштириш жиҳатидан ижобий баҳоланади. Аммо республикамиз тижорат банкларида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи паст.

2008-2012 йилларда тақсимланмаган фойданинг тижорат банклари регулятив капитали ҳажмидаги салмоғи пасайиш суръатларига эга бўлди. Тақсимланмаган фойда банклар фойдасининг мутлақ озод қолдиғи бўлганлиги сабабли, уни капиталлаштириш осон. Аммо тақсимланмаган фойданинг миқдори Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Унинг миқдорини олдиндан прогноз қилишнинг иложи йўқ.

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг ҳажмида қўшимча капиталнинг салмоғи жуда кичик. Бу эса, қўшимча капитал элементларини муомалага чиқариш

амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради. Хусусан, ҳозирги даврда тижорат банкларининг субординациялашган қарз мажбуриятлари мавжуд 30 та тижорат банкининг фақат иккитасида (Капиталбанк, Ипак йўли банк) мавжуд. Бундан ташқари, республикамиз тижорат банкларида ўзида ҳам мажбурият, ҳам акциядорлик капиталини мужассам этган гибрид инструментлар мавжуд эмас.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банки регулятив капиталининг таркиби ва динамикаси²⁶
(фоизда)

Регулятив капитал таркиби	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2008	2009	2010	2011	2012	
Устав капиталлари	4,8	4,5	4,2	3,7	4,3	- 0,5
Захира капиталлари	89,9	87,4	83,9	83,4	79,4	- 10,5
Жорий йил фойдаси	1,8	1,9	3,6	3,3	3,6	1,8
Таксимланмаган фойда	3,5	6,1	8,3	9,5	12,6	9,1
Капиталнинг бошқа элементлари	0,0	0,1	0,0	0,1	0,1	0,1
Регулятив капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x

* маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабр ҳолатига олинган.

2.2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, ТИФ Миллий банкининг умумий капиталлари таркибида 2008-2012 йилларда захира капиталининг салмоғи юқори даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, захира капиталининг асосий қисми ушбу банкда девальвация захирасининг ҳиссасига тўғри келади. Масалан, 2012 йилда ТИФ Миллий банки захира капиталининг ҳажмида девальвация захирасининг салмоғи 85,4 фоизни ташкил қилди. Девальвация захираси салмоғи кўрсаткичининг юқорилиги эса, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражасининг таҳлил қилинган даврда юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2012 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражаси 10,5 фоизни ташкил қилди. Девальвация захирасининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши банк капиталлари таркибининг

²⁶ ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

барқарорлиги нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки девальвация захираси нобарқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Халқаро Базел кўмитасининг экспертлари уни тижорат банклари капиталининг таркибига киритмаган.

Лекин таҳлил қилинган давр мобайнида захира капиталининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Ушбу пасайиш Миллий банк регулятив капиталининг умумий ҳажмида тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасининг мазкур давр мобайнида ўсганлиги билан изоҳланади.


2.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2008-2012 йилларда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан паст даражада сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, ушбу банк устав капиталининг сўмдаги эквиваленти таҳлил қилинган давр мобайнида бир хил суммада, яъни 22386 млн. сўм миқдорида сақланиб қолган. Устав капиталининг миқдори ўзгармаганлиги сабабли унинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи пастлигича қолган ва мазкур кўрсаткич 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 0,5 фоизли пунктга пасайган.

Шунингдек, келтирилган жадвал маълумотида жорий йил фойдасининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг жуда паст даражада эканлиги кўринади. Ушбу ҳолат ТИФ Миллий банкида фойданинг капиталлашув имкониятининг чекланганлигидан далолат беради.

2.2-жадвал маълумотларидан ТИФ Миллий банкида тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг 2008-2012 йилларда сезиларли даражада ўсганлиги кўринади. Бу эса, ҳукуматнинг Миллий банк фаолиятидаги айрим муаммоларни ҳал қилишга молиявий жиҳатдан кўмаклашаётганлиги билан изоҳланади. Шундай долзарб муаммолардан бири инвестицион кредитлар бўйича муддати ўтган кредитлар муаммосидир. Республикамиз банк тизимидаги муддати ўтган

кредитларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми ТИФ Миллий банкининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Муддати ўтган кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги тижорат банкининг молиявий ҳолатига, капитал базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

ТИФ Миллий банкида капитал бошқа элементларининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг ниҳоятда паст даражадалиги ва ҳатто 2012 йилда 0,1 фоизни ташкил этганлиги кўриниб турибди. Бунинг асосий сабаби, фикримизча, ТИФ Миллий банки қўшимча капитал базасининг заифлигидир. Ўз навбатида, унинг қўшимча капитал базасининг заифлиги банкнинг субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслигида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини таснифланган кредитлар миқдорига мутаносиб эмаслигида намоён бўлади.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг таркиби²⁷, фоизда.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари.

2.1-расм маълумотларидан кўринадикки, 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқори даражада қолган. Хусусан, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 48,1 фоизни ташкил қилган. Бу эса, юқори даражадаги кўрсаткич бўлиб, банкларнинг депозит базасини етарли эмаслигидан далолат беради.

Таҳлил қилинган давр мобайнида муддатли депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи нисбатан паст даражада бўлган. Бу эса, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, биринчи навбатда, уларнинг активлари портфелларининг сифат даражасига боғлиқ. Бу эса, тижорат банклари активларининг сифатини ёмонлашиши натижасида улар фойдасининг камайиши ва ликвидлилик даражасининг пасайиши билан изоҳланади. Ўз навбатида, тижорат банкида фойданинг камайиши ва ликвидлилик муаммосининг юзага келиши унинг молия бозоридаги ва мамлакат банк тизимидаги мавқеининг пасайишига олиб келади.

Шу ўринда, “тижорат банки фаолиятининг самарадорлиги” тушунчасига аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, тижорат банки фаолиятининг самарадорлиги деганда банк фаолиятидаги рискларнинг даражасини минималлаштиришга эришган ҳолда, юқори даромад олиш ва банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишини таъминлаш тушунилади.

Тижорат банкларида кредит рискининг чуқурлашиши соф фойданинг камайишига олиб келиш билан бирга, банкнинг жорий ликвидлилик даражасини ҳам пасайтиради.

Шунингдек, тижорат банкининг қимматли қоғозлар портфели сифатини ёмонлашиши ҳам унинг соф фойдаси даражасининг пасайишига олиб келади. Аммо ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси тижорат

банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларининг ривожланиш даражасини нисбатан паст эканлиги сабабли, қимматли қоғозлар портфелининг риск даражаси банклар фаолиятининг самарадорлигига унчалик таъсир кўрсатмаяпти. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикаимиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг улар активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи атиги 0,4 фоизни ташкил этди²⁸.

Кредитлар бериш тижорат банклари фаолиятининг асосий ва устувор йўналишларидан бири бўлганлиги сабабли, кредитлар уларнинг брутто активлари ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг кредит портфелини сифатига боғлиқ. Ўз навбатида, кредит портфелининг сифатини таъминлаш унинг диверсификация даражасини таъминлаш, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашишига йўл қўймаслик заруриятини юзага келтиради.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Очiq акциядорлик-тижорат банклари – Агробанк ва Ипотекабанк кредит портфелининг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар²⁹, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатдаги даражаси, фоизда
1	Агробанкнинг кредит портфелида қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг салмоғи	46,4
2	Ипотекабанкнинг кредит портфелида саноат корхоналарига берилган кредитларнинг салмоғи	56,3
3	Агробанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи	1,1
4	Ипотекабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи	0,8

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

²⁹ ОАТ “Агробанк” ва “Ипотекабанк”нинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Агробанк ва Ипотекабанкларнинг кредит портфелини диверсификация даражаси паст бўлиб (битта тармоқ ёки соҳага берилган кредитларнинг тижорат банки кредит портфелидаги улушининг 25 фоиздан ошиши кредит портфелининг даражасини паст эканлигини кўрсатади), ушбу ҳолат улар фаолиятининг самарадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Шунингдек, 2.3-жадвал маълумотларидан таҳлил қилинаётган банкларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг бирмунча юқори эканлиги кўриниб турибди. Юқори дейишимизнинг сабаби шундаки, Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тижорат банклари активларининг 0,5 фоиздан ошмаслиги лозим.

2.2. Хусусий банклар фаолиятининг замонавий ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши республикада банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам тижорат банклари учун - сўм эквивалентида 10 млн.евро миқдорида, хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида белгиланди.

Хусусий тижорат банклари пасивларининг барқарорлиги бевосита уларнинг депозит базасини етарлилиги ва капиталлашиш даражасининг юқори бўлишига боғлиқ.

Хусусий тижорат банкларининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражаси нормал бўлиши учун уларнинг умумий капитали жами активларнинг 10 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Яна бир кўрсаткичдан банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич тижорат банки капиталининг етарлилик коэффиценти деб аталади. Бунда тижорат банкининг регулятив капитали активларни рискка тортилган суммасининг 8 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

2.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида хусусий банкларнинг ўрнини тавсифловчи кўрсаткичлар³⁰, фоизда

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, фоизли пункт
		2008	2009	2010	2011	2012	
1	Хусусий банклар активларининг хусусий тижорат банклари активлари ҳажмидаги салмоғи	9,0	3,2	4,5	4,2	4,3	- 4,7
2	Хусусий банклар кредитларининг хусусий тижорат банклари кредитлари ҳажмидаги салмоғи	1,3	2,0	3,6	3,7	3,1	1,8
3	Хусусий банклар капиталининг хусусий тижорат банклари капиталидаги салмоғи	1,9	1,6	1,7	2,2	1,9	-
4	Хусусий банклар депозитларининг хусусий тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғи	4,0	2,2	2,7	2,1	1,7	- 2,3

2.4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008-2012 йиллар мобайнида республикамиз банк тизимида фаолият юритаётган хусусий тижорат банклари активларининг хусусий тижорат банклари жами

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

активларидаги салмоғи жуда паст даражада қолган (2012 йилда ушбу кўрсаткич атиги 4,3 фоизни ташкил этди). Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 2008 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, хусусий тижорат банкларининг банклараро молиявий хизматлар бозоридаги мавқеининг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, жадвал маълумотларидан хусусий банкларнинг республика хусусий тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғининг кичик эканлиги кўриниб турибди. Бу эса, уларнинг иқтисодиётни кредитлаш соҳасидаги фаолиятини талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

2.4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, хусусий банклар умумий капиталининг жами хусусий тижорат банклари умумий капитали ҳажмидаги салмоғи паст даражада қолди. 2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига, мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси атиги 1,9 фоизни ташкил этди. Фикримизча, ушбу кўрсаткичнинг паст даражада эканлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– хусусий тижорат банкларида фойдани капиталлашув даражаси паст;

– мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастури доирасида йирик тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш сиёсати олиб борилмоқда. Биргина 2009 йилнинг ўзида йирик, етакчи банкларнинг устав капиталини ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди³¹.

2.4-жадвал маълумотларидан хусусий банклар томонидан жалб қилинган депозитларнинг хусусий тижорат банклари жами депозитлари ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада паст эканлиги кўриниб турибди. 2012 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси атиги 1,7 фоизни ташкил этди. Бу бир томондан хусусий банкларнинг депозит сиёсатидаги камчиликлар билан изоҳланса, иккинчи томондан йирик тижорат

³¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - Б. 35.

банкларида жалб қилинган депозитлар ҳажмининг таҳлил қилинган давр мобайнида юқори ўсиш суръатига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

2.5-жадвал

Капиталбанк активларининг таркиби ва динамикаси³², фоизда

Активларнинг таркиби	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Кассали активлар	16,5	24,5	23,0	17,8	16,6	0,1
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,7	1,9	0,0	0,2	0,1	- 0,6
Кредитлар	52,3	49,3	48,1	51,7	54,4	2,1
Асосий воситалар	6,5	5,4	5,6	5,6	9,1	2,6
Ҳисобланган фоизлар	13,8	11,4	12,3	13,1	11,3	-2,5
Бошқа активлар	10,2	7,5	11,0	11,6	8,5	- 1,7
Активлар жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007-2011 йилларда Капиталбанк активларининг таркибида кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки хусусий тижорат банклари кредитлаш институтлари ҳисобланади ва улар ялпи даромадининг асосий қисми кредит операцияларидан олиниши керак.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Капиталбанкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган. Мазкур инвестициялар банк жами активлари таркибида жуда кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, Капиталбанк активларининг даромадлигини ошириш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида кассали активларнинг жами активлардаги салмоғининг юқори эканлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлардир.

³²Капиталбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Таҳлил қилинган давр мобайнида Капиталбанк асосий воситаларининг жами активлар ҳажмидаги салмоғи юқори суръатда ўсган. Бу эса, муддатида қайтмаган кредитларнинг гаров таъминотига ундирув қаратилганлиги ва гаровга олинган мулкларни банкнинг балансига ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Барча ривожланган хорижий мамлакатларда ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси каби давлатларда ҳар бир тижорат банки миллий валютада иккита “Ностро” вакиллик ҳисобварағига эгадир. Улардан биттаси мамлакат Марказий банкнинг балансида очилган бўлиб, вертикал вакиллик ҳисобварағи дейилади. Иккинчиси эса, мамлакатдаги бошқа тижорат банкларининг балансида очилган бўлиб, горизонтал вакиллик ҳисобварақлари дейилади. Тижорат банкларининг бошқа банклар билан бўладиган барча операциялари фақат горизонтал вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, тўловларни амалга ошириш жараёнини тезлаштиради ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг эса, горизонтал вакиллик ҳисобварақлари мавжуд эмас, бу эса, банклар орқали ўтадиган тўловларнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун биз таклиф қилардикки, республикамиз тижорат банкларига Марказий банк томонидан миллий валютадаги горизонтал вакиллик ҳисобварақларини очишга рухсат берилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида банклараро операциялар устидан Марказий банк томонидан амалга ошириладиган назоратни кучайтириш лозим.

Республикамизнинг хусусий тижорат банкларида трансформация rischi сақланиб қолмоқда. Ушбу рискка тўлиқ барҳам бериш учун банк ресурсларини жалб қилиш муддати билан активларни жойлаштириш муддатини мувофиқлаштириш лозим. Бунинг учун, ресурсларни жалб

қилиш муддати ҳеч қачон активларни жойлаштириш муддатидан узун бўлмаслиги лозим. Афсуски, республикамиздаги айрим хусусий тижорат банкларининг фаолиятида мижозларнинг жорий ҳисобрақамларидаги маблағлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Бу ҳолат банкларимизда трансформация рискинни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

2.3. Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг вужудга келиши

Банк тизими бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Товар пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан янги операциялар бажаришга имкониятлар очиб беради.

Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизими яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш ва улар яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун ҳукуватимиз томонидан мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитларни ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш ва банклар ўртасида рақобат бўлишини таъминлашга асос яратиш, нобанк ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, молиякредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий-техник жиҳатдан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Банк тизимини қайта ташкил қилишни амалга ошириш қуйидаги тамойлларга асосланган ҳолда олиб борилиши мумкин:

- ▶ хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониш мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш;

- ▶ банк тизимидаги ислохотлар иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши билан мос келиши;

- ▶ банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банк тизимига яқинлаштириш;

- ▶ пул кредит сиёсатини олиб боришда мамлакат ички эҳтиёжи ва унинг иқтисодиёти хусусиятини ҳисобга олиш;

- ▶ банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қўйиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиши бевосита мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши билан боғлиқдир. Айнан 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги илк қонуни қабул қилиши билан мамлакатимиз миллий банк тизими ривожланиши биринчи босқичи бошланди. Натижада мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини юзага келтиришнинг дастлабки ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу қонунга мувофиқ собиқ СССР Давлат банкининг республика бошқармаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилди. Марказий банкка пул муомаласини тартибга солиш, миллий банк тизимини шакллантириш, миллий тўлов тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилди. Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида Марказий банкда дастлаб пул-кредит сиёсати, валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бўлинмалар тузилди.

Ушбу, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, хўжалик субъектларини молиялаштириш ихтисослаштирилган банклар зиммасига юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур банкларда тегишли функционал бўлинмаларни юзага келишига олиб келди.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар миллий банк тизимини шакллантириш йўлидаги дастлабки, муҳим қадамлар бўлди. Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларидаги банк тизими бозор муносабатлари талабларига тўлиқ жавоб бера олмас эди. Чунки, биринчидан, ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этиш қонунда устувор йўналиш сифатида эътироф этилди, бу эса бошқа тижорат банкларини ташкил этиш учун тенг имкониятлар яратмас эди; иккинчидан, миждозларга банкларни эркин танлаш ҳуқуқи йўқ эди; учинчидан, миждозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берувчи банк хизматлари турлари етарли эмас эди.

Миллий банк тизимини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнларида банкларнинг иштирокини кучайтириш масалаларига 1992-1994 йилларда эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8-10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар: «Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш учун, авваламбор, ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган тармоқлар, жумладан, тижорат банклари тармоғи фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»³³

Президентимизнинг банк тизимидаги ислоҳатларни чуқурлаштиришга оид фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3

³³ И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1 — том. — Т:Ўзбекистон, 1996. — 119 б.

сентябрда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида давом эттирилди. Бунда асосий эътибор Марказий банк томонидан пул тизимини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, миллий тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан халқ истеъмоли товарлари, қурилиш моллари ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлашга қаратилди.

Амалга оширилган тадбирлар кўлами, 1991-1994 йилларни Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш имконини беради.

Шу пайдан бошлаб, Марказий банкнинг асосий куч ва воситалари мустақил пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, самарали тўлов тизимини йўлга қўйишга эришишга йўналтирилди.

Бу даврда банк тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, банк қонунчилиги такомиллаштирилди. 1995 йили «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририда қабул қилиниши замонавий банк тизимини ташкил этилишини, тижорат банкларини халқаро молия бозорларига чиқишини, аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашини, барқарор иқтисодий ўсишни ҳамда халқ фаровонлигини оширилишини таъминлашга қаратилган истиқболларни белгилаб берди. Марказий банк ва тижорат банкларининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида қатор тармоқ тижорат банкларининг ташкил этилиши мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларининг пайдо бўлиши иқтисодиётнинг стратегик соҳаларини молиялаштириш заруратидан келиб чикди. Мазкур

банкларнинг капитали асосан иқтисодиётнинг бир ёки бир неча тармоқларига мансуб йирик ташкилотлар маблағлари ҳисобига шакллантирилди. Бундай ҳолатни қуйида келтирилган бир қатор омиллар билан изохлаш мумкин.

Биринчидан, ўша пайтларда хусусий сектор эндигина пайдо бўла бошлаган ва улар банкларни тузиш учун етарли маблағга эга эмасди.

Иккинчидан, давлат банкларини хусусийлаштирилиши банк тизимида рақобат муҳитини яратиш билан бирга иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнини молиявий қўллаб-қувватлаш вазифасини ҳам бажариши керак эди. Давлат банкларини хусусийлаштирилишини бирданига амалга оширилиши мамлакатнинг анъанавий ҳамда янгитдан барпо қилинаётган устувор тармоқлари учун мураккаб молиявий шароитлар вужудга келтириши мумкин эди. Шу сабабли, 1993-1996 йилларда «Асака банк» (автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлашга), «Ғаллабанк» (ғалла етиштиришни молиялашга), «Тадбиркорбанк» (кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштиришга), «Алоқабанк» (алоқа ва телекоммуникация корхоналарини ривожлантиришга мўлжалланган) каби бир қатор ихтисослашган тижорат банклари таъсис этилди.

Учинчидан, тузилаётган банклар, одатда, очик, турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида таъсис этилган бўлиб, бунда ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали давлат тасарруфидан чиқариш имкониятини бериши назарда тутилган эди.

Ихтисослашган тижорат банкларини тузиш иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан борган Ўзбекистон учун ислохотларнинг илк босқичида энг мақбул йўл эди.

1994 йилда миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши билан миллий банк тизимини шакллантиришнинг иккинчи босқичи бошланди ва

у 1998 йилга қадар давом этди. Ушбу босқичда ҳақиқий икки поғонали банк тизими яратилди. Биринчи марта 1995 йил 21 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Қонун Марказий банкнинг муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат органи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлади. Қонуннинг муҳим аҳамиятга молик жиҳатларидан бири шундаки, Марказий банк ўз ваколатлар доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақил ҳисобланади. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда тижорат банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида тижорат банкларининг сони ва кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди. Бу эса миллий банк тизимида рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, автомобиль саноати корхоналарини кўллаб-қувватлаш мақсадида «Асакабанк»ни, ғалла етиштиришни молиялаштирувчи «Ғаллабанк»ни, савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогарбанк»ни, пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги ва пахтани қайта ишлайдиган корхоналарни молиявий жиҳатдан таъминловчи «Пахтабанк»ни ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги жиддий қадам бўлди.

Иккинчи босқичда кўп сонли банклар очик турдаги акционерлик жамиятлари шаклида таъсис этилди. Бу эса ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштириш имконини берди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларини ташкил этилиши банклараро рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодиётнинг

реал секторини молиявий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида амалга оширилган зарурий тадбир эди. Лекин бизга халқаро банк амалиётидан маълумки, ихтисослаштирилган тижорат банкларининг активларни диверсификация қилиш имконияти чегараланган бўлади ва бу уларнинг риск даражасини оширади чунки бирор тармоқнинг заифлашиши ушбу тармоққа ихтисослашган банкларнинг ҳам заифлашишига олиб келади. Натижада тизимли риск туфайли бутун банк тизими заифлашиши мумкин.

«Тижорат банклари молиявий ҳолатини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда республика банк тизимини халқаро банк амалиётини ўрганиш асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, банкларнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги ҳам оширилди.

Иккинчи босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Улардан асосийси, жалб қилинадиган аҳоли омонатларининг умумий суммасини тижорат банкларининг ўз капитали ҳажмлари билан чеклайдиган Низомнинг бекор қилиниши бўлди.

Миллий банк тизимини ривожланишига кучли туртки берган омиллардан асосийси 4 йил мобайнида, яъни 1994-1998 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан тижорат банкларини асосий солиқ турларидан озод қилинганлиги ҳисобланади. Солиқларни тўлашдан бўшаган маблағларнинг сезиларли қисми банклараро тўловларни амалга оширишнинг ягона электрон тизимини яратишга сарфланди. Натижада қисқа муддат ичида халқаро андозалар талабларига жавоб бера оладиган замонавий банклараро тўловлар тизими яратилди.

Солиқлардан бўшаган маблағларнинг маълум қисми республика банкларининг барча миқозлари бўйича маълум ахборотни сақлаш, тузиш

ва янгилашнинг кўп мақсадли тизими бўлган Банк депозитарийларининг миллий ахборот базасини тузишга йўналтирилди. Бу тизимдан фойдаланувчилардан бири кредит бюроси бўлиб, у кредит олувчиларнинг молиявий аҳволи ва уларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни йиғади.

Мамлакатимизда икки поғонали банк тизимини ташкил этиш борасида ислохатлар жадал олиб борилиб, Марказий банкнинг ташкилий тизими ва ишлаш услублари қайта кўриб чиқилди, ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб олинди. Улар:

- монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

- банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;

- Республикамиз расмий олтин-валюта резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

- давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

Аммо банк тизими бозорга хос икки поғонали бўлсада, банклар ўртасида рақобат жуда кучсиз эди. Ихтисослашган тижорат банкларининг миждозларга хизмат кўрсатишда маълум иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида якка ҳукмрон, яъни монополист бўлиши тижорат банкларининг ўртасида эркин рақобат вужудга келишига катта тўсиқ бўлди. Саноатқурилишбанк ва Агросаноатбанк айланмаси умумий банклар айланмасининг салкам 90 % ни ташкил қилгани ҳолда, айрим янги мустақил тижорат ва кооператив банкларининг айланмаси Саноатқурилишбанки ёки Агросаноатбанкнинг кичик филиаллари айланмасининг ярмини ҳам ташкил қилмади. Банк хизмати бозорида рақобат бўлиши керак, аммо янги очилган тижорат ва кооператив банкларнинг монопол ҳолатдаги банклар билан рақобат қилиши жуда

қийин эди. Ҳукуматимиз бошқа мустақил давлатлардан фарқли ўларок, бу муаммоларни Марказий банк билан бирга ўзига хос усулда ҳал қилди.

2.6-жадвал

Саноатқурилишбанк ва Агросаноатбанклари негизида пайдо бўлган тижорат банклари³⁴.

№	Саноатқурилишбанк негизида пайдо бўлган тижорат банклари	Агросаноатбанк негизида пайдо бўлган тижорат банклари
1.	Саноатқурилишбанк	Тадбиркор банки
2.	Енгилсаноат банки	Пахта банк
3.	Алоқа банк	Ғалла банк
4.	Траст банк	Мевасабзавот банк
5.	Уйжойжамғармабанк	Турон банк
6.	Савдогар банк	Замин банк
7.	Саноатқурилишбанк	

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига рақобат бўлиши учун қатор қўшма банклар: ЎзДЭУбанк, ЎзАБН Амробанк, ЎТ банк, Ўзприватбанк очилди. Бундан ташқари Ўзбекистон машинасозлик тармоғига хизмат кўрсатиш учун ихтисослашган акциядорлик тижорат “Асака” банки вужудга келтирилди.

Иккинчиси, хусусий тижорат банкларини кўпайтириш билан амалга оширилди. 1992-1993 йилларда Марказий банк НурАнварбанк ва Рустамбанк хусусий банкларига лицензиялар берган бўлса, 1994 йилнинг ўзида Самарқанд вилоятида учта: Парвинабанк, Олимбанк, ва Умарбанк хусусий банкларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар берди.

³⁴ С.Норқобилов “Халқаро амалиётда банк назорати”. Тошкент-2007.220 б.

Бозор иқтисодиётига мос банк тизимининг вужудга келиши банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишни тақозо қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида алоҳида қонун бўлиши зарур эди. Қонунларнинг янги лойиҳа матнларини тайёрлашда хорижлик мутахассислар, жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди маслаҳатчилари фаол қатнашдилар.

Республикаimiz банк тизимини вужудга келтириш жараёни 1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ва 1996 йил 25 апрелда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Бу муҳим ҳужжатлар республикаimiz банк тизимининг жаҳон андозаларига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

Ўзбекистон банк тизими шаклланишининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг халқаро молия жамоатчилигига кўшилиш жараёни ҳисобланади. 1992 йилда республикаimiz Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди аъзоси бўлди ва мамлакатимизда уларнинг қатор лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳозир «Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки», «Осиё Тараққиёт банки», «Халқаро молия корпорацияси» каби халқаро молиявий ташкилотлар. АҚШ, Германия, Япония, Англия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари Ўзбекистон банкларининг ҳамкорларидир.

Бундан ташқари, тижорат банклари мавқеини жаҳон талабларига кўтариш, республика банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда республика иқтисодиётига чет эл сармояларини тижорат банклари орқали жалб қилишда банк аудитининг роли зарурлигини ҳисобга олган ҳолда Марказий банк томонидан тижорат банкларида ўтказилаётган ташқи аудит текширувлари сифатига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро нуфузли аудит ташкилот (Pricewaterhousecoopers, KPMG, Deloitte & Touch, Ernest & Young) ларининг текшириш яқунлари ҳамда

халқаро молия ташкилотлари ёрдами натижасида хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма банклар ташкил этилди. Ўша пайтда республикада “Ўзприватбанк”, “ЎзДЭУбанк”, ЎзАБН Амробанк, ЎТ банк (UzbekTurkish bank) ҳамда “Ўрта Осий ҳамкорлик ва Тараққиёт” банки ва Эрон «Садерат» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банклари фаолият юритишган.

Айни пайтда республика худудидида UzKDB (UzbekKorean Development Bank) банки, ЎТ банк (Uzbek-Turkish bank) ҳамда Эрон «Садерат» банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банклари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда локомотив вазифасини бажарувчи банк тизими мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу соҳа республикада ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 1994-1997 йилларда республикада иқтисодиётидаги мавжуд муайян қийинчиликларга қарамадан банкларимиз тўрт йил муддатга бюджет солиқлар тўлашдан озод этилган эди.

Бунинг эвазига:

- банклар инфратузилмаси тубдан ўзгартирилиб, замонавий бинолар қурилиб, компьютер технологиялари билан таъминланди;
- электрон тўловлар тизими жорий қилинди;
- кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга кенг имкониятлар яратилди.

Хусусий банкларнинг ташкил этилиши туфайли мамлакат иқтисодиётига хусусий сармояларни жалб этиш орқали самарадорлиги юқори, илғор инвестиция лойиҳаларига йўналтирилаётган маблағлар кўпаяди ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш савияси ошади. Бу жараён янги турдаги банк хизматларининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши республикада хусусий банкларни ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, хусусий банкларга қайси банкларни киритиш мумкинлиги кўрсатилди ва ташкил этилаётган хусусий банкларга бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб, икки йил мобайнида даромад солиғи тўлашдан озод қилиниб, бундан бўшайдиган маблағлар уларнинг моддийтехника базасини мустаҳкамлашга ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, акциядорлик тижорат банкларини очиш учун устав сармоясининг энг кичик миқдори 2,5 млн. АҚШ доллари бўлгани ҳолда, хусусий банклар учун энг кичик устав сармояси миқдори 300 минг АҚШ долларининг Марказий банк расмий курсидаги эквивалентига тенг қилиб белгиланди. Бу имтиёзларнинг берилиши натижасида хусусий банк очилиши сезиларли равишда кўпайди.

Банк тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири, шубҳасиз, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги тизимига ўтилганлигидир. Мазкур тизимга ўтиш 1994 йилдан бошланди. 1996 йилнинг иккинчи ярмида ўша пайтдаги дунёдаги ўта нуфузли компаниялардан бири “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда Марказий банк мутахассислари томонидан банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши хусусий банклар ривожлантиришга сезиларли даражада ижобий таъсир қилди. Мазкур Фармонга кўра низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда хусусий тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан,

➤ янги ташкил этилаётган хусусий банклар минимал устав фонди 300 минг АҚШ доллари қилиб белгилаш;

➤ янги ташкил этилган хусусий банклар ташкил этилган пайдан бошлаб 2 йил даромад солиғидан озод қилиш;

➤ янги ташкил этилган хусусий банкларга 6 ой ичида валюта операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш каби имтиёзлар берилди.

Миллий банк тизимида банкларни корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим рол ўйнайди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк Кенгашларининг ролини оширишга доир тадбирлар мажмуини белгилаб берди. Фармонда давлат улуши банк капиталда 25 % дан ошган ҳолда банк Кенгаши таркибига Марказий Банкдан ишончли вакил киритилиши айтиб ўтилди. Фармон чикқунга қадар банк Кенгашлари, улар зиммасига банк фаолияти устидан назоратни, жумладан, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўғри кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилиш устидан назоратни амалга ошириш масъулияти юклатилганлигига қарамасдан, ўз мажбуриятларини бажаришга юзаки муносабатда бўлиб келишарди. Бу эса, пировард натижада, банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар портфелининг сифатини ёмонлашувига олиб келарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 31 майдаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш

билан шуғулланаётган, республика иқтисодиётини базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин муомаладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатлари тамойилларига асосланиб ривожлантирилиши, албатта, молия тизимини ва валюта бозорини эркинлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун биржадан ташқари валюта бозорининг кўламини янада кенгайтириш зарурияти туғилди.

Ҳукуматимиз ва Марказий банк валюта бозорини янада эркинлаштиришни, миллий валютамиз сўмнинг хорижий валюталарга эркин айирбошланишини босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини қўллади.

Ўзбекистон миллий банк тизимини ривожлантиришнинг учинчи босқичи 1999-2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори навбатдаги босқичга ўтишга асос бўлди. Қарорда тижорат банклари низом жамғармасининг минимал ҳажми, низом жамғармасида битта акциядор улушининг максимал ҳажми, тижорат банкларининг бир-бирларининг низом жамғармаларида иштирок этиши, банкларни хусусийлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар каби долзарб масалалар ўз аксини топди. Ушбу қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ қилиш борасида республика комиссияси тузилиб, банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Учинчи босқичда банк тизимида хорижий капиталларни жалб қилиш масаласига катта эътибор берилди. Чунинчи, Вазирлар Маҳкамасининг

1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли қарорига мувофиқ, 2000 йилда «Асакабанк»нинг 50 %, 2001 йилда Миллий банкнинг 40 % акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мўлжалланди.

Мазкур босқичда аҳоли омонатларини банк муассасаларига жалб қилишни рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Бу ўз навбатида, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириб, инвестицион жараёнларга аҳоли омонатлари салмоғи ошишига хизмат қилди. Шунингдек, банклардаги аҳоли омонатларидан мажбурий захира фондига ажратма қилиш бекор қилинди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамлари очишга рухсат берилиши ҳам банклараро рақобат муҳитини кучайтишига олиб келади ва банкларнинг универсаллашуви учун самарали қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишининг тўртинчи босқичи.

Ушбу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири бу – 2003 йил 15 октябрда мамлакатимиз томонидан Халқаро Валюта Фондининг VIII банди шартларининг қабул қилинишидир. Бу билан миллий валютамизнинг эркин конвертациясига эришилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банкларга аҳоли жамғармаларини жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Банк сирини тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда банк сирини сақлашга доир талаблар ва банк мижозлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш мумкин бўлган вазиятлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш

тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарори қабул қилиниши тижорат банкларига кредит олмоқчи бўлган миждозларнинг кредит тарихини билиш имконини бериши уларнинг риск даражасини камайтирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорида тижорат банкларининг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари кўпайган сумма миқдорида камайиши кўзда тутилган эди. 2004 йил 26 февралдаги 89-сонли қарорига кўра ушбу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига ҳам қўлланиладиган бўлди. Бу ўз навбатида, инфляция жараёнида банкларнинг омонатларни жалб қилиш операцияларини рағбатлантирди ҳамда банк иши самарадорлигига ижобий таъсир этди.

Шунингдек, “Лицензияланадиган фаолият турлари рўйхати” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги қонунларга киритилган ўзгартиришларга кўра Республикадаги ломбардлар фаолиятини тартибга солиш вазифаси Марказий Банк зиммасига юклатилган эди. 2003 йилнинг 17 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятларини лицензиялаш масалалари тўғрисида” 402-сонли қарори қабул қилинди. Бундай нобанк кредит институтларининг ташкил этилиши мамлакатимиз банк тизимиغا янги рақобатчиларни кириб келишига сабаб бўлди. Ва албатта, аҳолининг қисқа муддатли кредитларга бўлган талаби кондирилди.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишининг бешинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бошланди. Ушбу қарор асосида “2005-2007

йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури” қабул қилинди. Дастурда янги ташкил этилаётган банклар устав капитали миқдорини халқаро Базель қўмитаси тамойилларига мослаштириш ва босқичма-босқич ошириб бориш мақсад қилиб олинди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ишлари бу босқичда ҳам давом эттирилди. Жумладан, 2005 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги қарори аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга муҳим роль ўйнади.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 56-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «2005-2007 йилларда банк тизимиин ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури»да ўз аксини топди.

Ушбу қарорда кейинги йилларда асосан пул-кредит сиёсати воситаларини такомиллаштириш, нақд пул ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта сўмнинг айирбошлаш курсини барқарор сақлаб туриш, аҳолининг банклардаги омонатлари кўпайишини рағбатлантириш орқали пул маблағларини банк айланмасига жалб этишга асосий эътибор берилиши лозимлиги белгиланди.

Қарор асосида тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз маблағлари капиталини бир маромда ўсиб боришини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ва даромадлилигини ошириш, лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хизматларни, шу жумладан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари харид қилишга истеъмом кредитларини ва бошқа банк хизматларини кенг

таклиф қилиш ва ривожлантириб бориш банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланди.

Шу мақсадда, 2007 йил 1 январига қадар янги ташкил этиладиган тижорат банкларининг устав капиталини сўм эквивалентида 5 миллион АҚШ долларига, хусусий баикларнинг устав капиталини эса 2,5 миллион АҚШ долларига етказилиши белгиланди.

2007 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-726-сонли Қарори билан «2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури» тасдиқланди.

Қарорда 2008 йил 1 январидан бошлаб, янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун сўм эквивалентида 5 млн. Евро, хусусий банклар учун сўм эквивалентида 2,5 млн. Евро миқдорида белгиланди. Ушбу талаб мамлакат Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли қарорига мувофиқ мос равишда 10 млн. Евро ва 5 млн. Евро эквиваленти миқдорида белгиланди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ҳам республика банк-молия тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун банк тизимини баҳолашга нисбатан ёндашув ва услубларни тубдан ўзгартириш, унинг умум қабул қилинган халқаро принциплар, стандартлар ва меъёрларга ҳамоханг тарзда ривожлантиришни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги

ПҚ-1438-сонли Қарори ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

III-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш йўллари

3.1. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар

Диссертацион тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини аниқладик.

1. Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги.

Марказий банкнинг тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларга нисбатан ўрнатган мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги депозитларга банклар томонидан белгиланган фоиз ставкаларини ошириш имконини бермайди. Мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлигини асослаш учун хорижий давлатларнинг банк амалиёти маълумотларига мурожаат қиламиз. Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси:

- еврозона мамлакатларида – 2,0 %;
- Россияда – 2,5%;
- Қозоғистонда – 1,5%³⁵.

2. Тижорат банклари миқозларининг узоқ муддатли депозитлардан оладиган реал қийматининг девальвация ва инфляция таъсирида реал қийматининг пасайиши.

2000 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация даражаси 29,3 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йилда – 9,5%, 2006 йилда – 8,1%, 2007 йилда – 5,6%, 2008 йилда – 4,6 фоизни, 2011 йилда – 9,5%, 2012 йилда эса, 10,5 фоизни ташкил қилди³⁶.

³⁵ www.ecb.eu, www.cbr.ru сайтлари маълумотлари.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг эълон қилинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Республикада инфляциянинг йиллик даражаси 2012 йилда 7,0 фоизни ташкил қилди. Агар инфляция даражаси ва девальвация суръатини кўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда, банклар миқдорларининг узок муддатли депозитлардан оладиган реал қийматини 17,5 фоизга пасайганлигининг гувоҳи бўламиз.

3. Тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги ва унинг банкларнинг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида депозитлар муддатига кўра қуйидагича гуруҳланади:

- 30 кунгача муддатга жалб қилинган депозитлар;
- 30 дан 60 кунгача муддатга жалб қилинган депозитлар;
- 61 кундан 90 кунгача муддатга жалб қилинган депозитлар;
- 91 кундан 180 кунгача муддатга жалб қилинган депозитлар;
- 181 кундан 365 кунгача муддатга жалб қилинган депозитлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар.

Ҳар бир гуруҳ бўйича жалб қилинган депозитларнинг суммасидан ушбу муддатга берилган кредитларнинг суммаси ортиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда, тижорат банкида трансформация рисқи юзага келади.

Ҳозирги даврда республикада қатор тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Трансформация рисқи тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Бунинг натижасида банкларнинг депозитларга фоиз тўлаш имконияти пасаяди, жалб қилинган депозитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиши қийинлашади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг қай даражада трансформация рисқиға боғлиқлигини кўрсатди. Чунки инқироз таъсирида тижорат банкларида муддатли депозитлар таклифи камайди. Кредитларни эса, шартнома

муддати тугагунга қадар қайтаришнинг иложи йўқ. Бунинг устига, инқироз туфайли тижорат банклари кредитларининг катта қисми қайтмади. Буларнинг барчаси охир-оқибат тижорат банкларида ликвидлилик муаммосининг чуқурлашишига ва трансформация рискининг кучайишига сабаб бўлди.

4. Республикамиз тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан белгиланган фоиз ставкаларининг бекарорлиги.

Диссертация ишининг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жисмоний шахсларнинг муддатли ва жамғарма депозитларига тўлайдиган фоизларининг ўртача йиллик ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлди. Шунингдек, 2009-2011 йилларда юридик шахсларнинг муддатли депозитлари ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлди.

5. Тижорат банклари кўшимча капиталининг етарли эмаслиги.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги даврда республикамиз тижорат банкларида кўшимча капиталнинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи ўртача 5-6 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кўшимча капиталнинг етарли эмаслиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– республикамизнинг тижорат банкларининг 93 фоизда субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги (2012 йилнинг 1 январ ҳолатига);

– тижорат банкларида қайта баҳолаш суммаси миқдорининг нисбатан кичик эканлиги;

– тижорат банклари қошида кредит муассасалари очиш амалиётининг такомиллашмаганлиги.

Ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банклари қошида траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг компаниялари каби кредит муассасаларини очиш кенг тарқалган. Бунинг натижасида уларнинг актив операцияларини ривожлантириш имкони юзага келади ҳамда қўшимча капитали миқдори ошади.

6. Тижорат банклари капитали таркибида беқарор молиялаштириш манбаи бўлган ресурслар салмоғининг нисбатан юқори эканлиги.

Девальвация захираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари республикамиз тижорат банклари капиталининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг натижасида тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда.

7. Республикамиз тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Мазкур муаммолар мажмуига қуйидаги долзарб муаммолар киради:

– республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг ҳажмида нобарқарор ресурс манбаи бўлган девальвация захирасининг юқори салмоққа эга эканлиги;

– мамлакатимиз тижорат банкларида жорий йил фойдаси ва тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг кичиклиги;

– тижорат банкларида иккинчи даражали капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммо.

3.2. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш йўллари

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги талкифлар ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Банкларнинг талаб қилиб олинадиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш амалиётига чек қўйиш йўли билан

уларнинг соф фоизли спрэд коэффициентининг реал ҳолатига баҳо бериш ва унинг меъёрий даражасига эришиш чораларини кўриш лозим.

Ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари талаб қилиб олинган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишмоқда. Бунинг натижасида банкларнинг соф фоизли спрэд коэффициентининг реал даражасига баҳо бериш қийин бўлмоқда. Чунки, соф фоизли спрэд коэффициентини аниқлаш методикасида талаб қилиб олинган депозитлар суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ҳисобга олишга рухсат этилмайди.

2. Республикамиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, мазкур акцияларнинг инвестицион жозибадорлиги ошади; иккинчидан, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурслари миқдори ошади; учинчидан, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали ҳажми сезиларли даражада ошади.

Кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд. Хусусан, Ўзбекистонда узоқ муддатли депозитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 20 фоиздан ошмайди. Шу сабабли, мазкур мамлакатларда тижорат банкларининг капитали инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

3. Хусусий тижорат банкларининг мамлакат банк тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали банк тизимини қайта таркиблашни такомиллаштириш лозим. Бунинг учун:

биринчидан, хусусий тижорат банкларининг муддатли депозитларини Марказий банкнинг мажбурий захира талабномасидан озод қилиш лозим.

Бунинг натижасида хусусий банкларнинг муддатли депозитлар жалб қилиш имконияти ошади ва шунинг асосида улар депозитларининг

ҳажмида муддатли депозитларнинг салмоғи ошади. Бу эса ўз навбатида, хусусий тижорат банкларининг кредитлаш ҳажмини ошишига олиб келади.

Хусусий тижорат банклари муддатли депозитларини мажбурий захира талабномасидан озод қилиш уларни нотенг рақобат муҳитига чиқариб қўймайди. Чунки, хусусий банкларнинг банклараро бозордаги мавқеи жуда паст. Бундан ташқари, хусусий тижорат банкларида биринчи даражали капиталнинг миқдори давлат банклари ва акциядорлик-тижорат банкларининг биринчи даражали капитали миқдорига нисбатан жуда кичик. Бу эса улар актив операциялари ҳажмини қисқа вақт ичида кескин ошириш имконини бермайди. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан ўрнатилган 15 та иқтисодий меъёридан 13 таси банкларнинг биринчи капиталига нисбатан белгиланган.

Иккинчидан, хусусий тижорат банклари соф фоизли спрэд коэффициентининг меъёрий даражасини таъминлаш, трансформация рискинни юзага келишига йўл қўймаслик орқали ликвидлилик рискиннинг чуқурлашишига йўл қўймасликлари лозим.

Учинчидан, хусусий тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва қимматли қоғозлар воситасидаги инвестицион фаолиятини давлат томонидан билвосита қўллаб-қувватлашни амалга ошириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, хусусий тижорат банклари томонидан чиқарилган субординал қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар солиқдан озод қилиниши лозим; иккинчидан, уларнинг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари миқдорини мажбурий захира ажратмаларини ҳисоблашда ҳисобга олиш лозим.

4. Хусусий тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали банклар активларини қайта таркиблашни такомиллаштириш лозим.

Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

а) кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини 1 фоиздан ошишига йўл қўймаслик орқали таснифланган кредитлар таркибининг барқарорлигига эришиш лозим;

б) юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш йўли билан банкларнинг жорий ликвидлигини таъминлаш мақсадида сақлаб турилган кассали активларнинг миқдорини камайтириш зарур;

в) тўлови давлат томонидан кафолатланган корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш ва уларни тижорат банкларининг ликвидли активлари сифатида тан олиш йўли билан банкларнинг активлари даромадлилиги ва ликвидлиги ўртасидаги мутаносиблик даражасини ошириш лозим.

Тўлови давлат томонидан кафолатланган корпоратив облигациялар иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига мансуб бўлган корхоналар томонидан чиқарилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, ушбу корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб этади; иккинчидан, хусусий тижорат банклари ушбу қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билан даромад келтирмайдиган кассали активлар миқдорини камайтириш имконига эга бўлади.

5. Хусусий тижорат банклари активларини оқилона таркибини шакллантириш мақсадида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг норматив даражасини белгилаб қўйиш лозим.

Республикамизнинг хусусий тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг норматив даражаси ҳисобга олинмайди. Фикримизча, мазкур захира ажратмаларининг норматив даражасидан амалдаги даражасининг фарқланиши доимий назорат объектига айланиши лозим. Бунинг учун:

– биринчидан, захира ажратмалари тўғри ташкил қилиниши лозим (яъни кредитлар тўғри таснифланиши керак);

– иккинчидан, тижорат банкининг барча филиалларида муддати ўтган фоизлар ўз вақтида 16377 - “Муддати ўтган фоизлар” ҳисобрақамига олиниши лозим. Банкнинг дасутрий таъминоти муддати ўтган фоизларни автоматик равишда муддати ўтган фоизлар ҳисобрақамига олинишини таъминлайдиган даражада такомиллашган бўлиши керак. Чунки ҳозирги даврда Бош банк томонидан кредитлар бўйича захираларни тўғри ташкил қилинаётганлигини оператив текшириш имконияти мавжуд эмас.

ХУЛОСА

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги, Марказий банк мажбурий заҳира сиёсатининг тижорат банклари депозит базасига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда, банклар фаолиятидаги ликвидлилик рискининг кучайишига хизмат қилмоқда.

2. АҚШ ва Япония тижорат банклари ресурсларининг умумий ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари юқори салмоқни эгаллаётганлиги тижорат банкларининг молиявий воситачилик вазифасини бажарувчи кредит муассасаси эканлиги билан изоҳланади.

АҚШ ва Япония тижорат банклари ресурсларининг ҳажмида қисқа муддатли депозитларнинг салмоғи ўрта ва узоқ муддатли депозитларнинг салмоғига нисбатан юқори эканлиги универсал тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

3. Тараққий этган мамлакатлар банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиш натижасида олинган пул маблағлари улар ресурсларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди ва мазкур ресурслар асосан банкларнинг узоқ муддатли операцияларини молиялаштиришда қўлланилади.

4. Тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг ресурслари ҳажмида банклараро кредитлар салмоғининг паст эканлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- банклараро кредитлар баҳоси юқори бўлган ресурс ҳисобланади;
- депозит базаси етарли бўлган тижорат банклари банклараро кредитлардан ресурс сифатида фойдаланишга эҳтиёж сезмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси хусусий тижорат банклари активларининг шаклланишига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

– республикамиз хусусий тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади ва уларнинг банк активларининг даромадлигига таъсир кўрсатмаслиги нақд пулларни айланма кассага кирим қилишда ҳам, чиқим қилишда ҳам миждозлардан комиссия тўловни ундирилмаслигида намоён бўлади;

– республикамиз хусусий тижорат банкларининг кассали активларининг таркибида тижорат банкларининг мамлакатнинг бошқа тижорат банкларидаги миллий валютадаги “Ностро” вакиллик ҳисобварақлари мавжуд эмас;

– мамлакатимиз хусусий тижорат банкларининг активларини уларнинг ликвидлилик даражасини пасайиб бориши тамойилига асосан шакллантириш халқаро банк амалиётида мавжуд бўлган активларни шакллантириш тартибидан сезиларли даражада фарқ қилади.

6. 2008-2012 йиллар мобайнида республикамизда хусусий тижорат банклари умумий капиталининг таркибида устав капиталининг салмоғини юқори бўлганлиги мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади.

7. 2008-2012 йиллар мобайнида республикамиз банк тизимида фаолият юритаётган хусусий тижорат банклари активларининг жами активларидаги салмоғини жуда паст даражада қолганлиги, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 2005 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги хусусий тижорат банкларининг банклараро молиявий хизматлар бозоридаги мавқеининг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, хусусий банкларнинг республика хусусий тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмидаги

салмоғининг кичик эканлиги уларнинг иқтисодийни кредитлаш соҳасидаги фаолиятини талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

8. Хусусий банклар умумий капиталининг жами хусусий тижорат банклари умумий капитали ҳажмидаги салмоғининг паст даражада эканлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– хусусий тижорат банкларида фойдани капиталлашув даражаси паст;

– мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида йирик тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш сиёсати олиб борилди. Биргина 2009 йилнинг ўзида йирик, етакчи банкларнинг устав капиталини ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

9. Хусусий банклар томонидан жалб қилинган депозитларнинг тижорат банклари жами депозитлари ҳажмидаги салмоғининг сезиларли даражада паст эканлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– хусусий банкларнинг депозит сиёсатидаги камчиликларнинг мавжудлиги;

– йирик тижорат банкларида жалб қилинган депозитлар ҳажмининг таҳлил қилинган давр мобайнида юқори ўсиш суръатига эга бўлганлиги.

10. 2008-2012 йилларда республикаимиз хусусий тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқориликча қолганлиги хусусий банкларнинг депозит базасини етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банкларининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 % дан ошмаслиги лозим.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Банкларнинг талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш амалиётига чек қўйиш йўли билан уларнинг соф фоизли спред коэффициентининг реал ҳолатига баҳо бериш ва унинг меъёрий даражасига эришиш чораларини кўриш лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш лозим.

3. Хусусий тижорат банкларининг мамлакат банк тизимидаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали банк тизимини қайта таркиблашни такомиллаштириш лозим.

4. Хусусий тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва ликвидлиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали банклар активларини қайта таркиблашни такомиллаштириш лозим.

5. Хусусий тижорат банклари активларини оқилона таркибини шакллантириш мақсадида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг норматив даражасини белгилаб қўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-І.

2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.

3. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.04.1998 й. № 609-І.

4. «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 24.12.1998 й. № 719-І.

5. «Лизинг тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 14.04.1999 й. № 756-І.

6. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-ІІ.

7. Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

8. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.06.2005 й. № ПҚ-100.

9. «Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (ІІ босқич) учун Япония халқаро ҳамкорлик банкининг имтиёзли кредити маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 21.07.2005 й. № ПҚ-127.

10. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 26.07.2005 й. № ПҚ-136.

11. «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й.

12. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 18.05.2007 й.

13. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2007 йил 7 ноябрь, ПҚ-726.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2009 йил 28 июл, ПҚ-1166.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори. 2010 йил 26 ноябрь, ПҚ-1438.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги ПФ-4522-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

20. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

21. Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.— Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси.— Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.— Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов.—Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.